

# Ўзбекистон ва Хитой коронавирусга қарши биргаликда курашади

☒Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамкорларидан саналади. Икки давлат раҳбарларининг қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида кейинги йилларда ўзаро муносабатлар янада ривожланиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилиди.

Дўстнинг қувончига шерик бўлиш, ташвишли кунода ҳам уни қўллаб-қувватлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Бу анъана Хитойнинг Уханъ шаҳрида коронавирус пандемияси бошланган дастлабки кунларданоқ яна бир бор яққол намоён бўлди. Ўзбекистон икки бор Чин юртига инсонпарварлик ёрдами жўнатди.

Бугун коронавирусни енгид үтган Хитой ҳам, ўз навбатида, ушбу касаллик билан курашда Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

17 апрель куни юртимизга Чин диёридан коронавирусга қарши курашда катта тажрибага эга бўлган бир гуруҳ шифокорлар етиб келишиди. Дарвоқе, ушбу жараённинг бошланиши Хитой жамоатчилигига ҳам қизғин, ижобий муносабат уйғотди. Воқеа маҳаллий ОАВда кенг ёритилди. Пекин ва Нанчанъ шаҳарлари клиникаларининг тажрибали мутахассисларини Тошкентга кузатиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Тадбирда хитойлик шифокорларнинг мамлакатимизга юборилиши ҳақидаги қарор икки давлат раҳбарларининг ўзбекистонлик ҳамкасларга тиббий кўмак бериш тўғрисидаги келишувига мувофиқ қабул қилингани алоҳида таъкидланди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент ҳалқаро аэропортида тажрибали эпидемиологлар, инфекционистлар, пульмонологлар, невропатологлар, терапевтлар, жарроҳлар, шунингдек, Хитойнинг турли минтақаларида bemorларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда иштирок этган мутахассислардан иборат гуруҳ кутиб олинди.

- Биз коронавирусга учраган bemorларни даволаш учун бор куч, маҳоратимизни ишга соламиз, - деди Хитой делегацияси раҳбари, шифокор Ло Ли Шен. - Бунинг учун анъанавий ва замонавий тиббиёт ютуқларидан кенг фойдаланамиз.

Юртимизга етиб келган самолёт саҳnidан Хитой ҳукумати номидан энг зарур тиббий воситалар ва дори-дармон тўпламларидан иборат расмий гуманитар юқ ҳам туширилди.

- Хитой ҳалқи коронавирус касаллиги авжига чиққан жуда мураккаб бир вазиятда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзганини ҳеч қачон унутмайди, деди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Цзянъ Ян хоним. - Хитой ҳукумати, компаниялари, корхоналари, маҳаллий ҳокимиятлар, илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, хусусий сектор вакиллари номидан Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами юборилди. Бу орқали икки давлат, икки ҳалқ ҳақиқий дўст экани яна бир бор намоён бўлди. Зоро, биз айнан кулфат чоғида бир-бirimizни қўллаб-қувватляяпмиз.

Таъкидлаш жоиз, 15 нафар маҳоратли мутахассисдан иборат мазкур гуруҳ Хитойнинг Цзянси провинцияси маъмурий маркази – Наньчан шаҳридан келган. Бу ҳудуд коронавирус эпидемияси маркази бўлмиш Хубэй провинцияси билан чегарадош. Энг муҳими, мазкур минтақа коронавирус инфекциясидан соғайган bemorлар сони бўйича Хитойда биринчи ўринда туради.

Хитойлик мутахассислар ташриф давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидағи тиббий муассасаларда бўлиб, шифокорларимизни қўллаб-қувватлайдилар, COVID-19 кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш, назорат қилиш ва даволашни ташкил этиш бўйича тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришади.

**Манба**